ИНТЕРНЕТ МУЛОҚОТ ВА УНИНГ ТАДҚИҚИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ш. Ҳ.Шаҳобиддинова, Ш.Х. Юлдашева

Мақолада интернет мулоқотнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Мулоқотнинг бу турини тадқиқ этувчи йўналиш тавсифланган.

Калит сўзлар: *интернет мулоқот, анонимлик, қулайлик, хавфсизлик, интернет лингвистикаси, миллий менталитет*

В статье рассматриваются особенности интернет-общения. Описано научное направление, исследующее этот тип общения.

Ключевые слова*: интернет-коммуникация, анонимность, удобство, безопасность, интернет-лингвистика, национальный менталитет*

This article highlights the peculiarities of Internet communication. The scientific direction exploring this type of communication is described.

Key words: *internet communication, anonymity, convenience, security, internet linguistics, national mentality.*

XXI аср мулоқот тизимида катта ўрин тутаётган ва борган сари бу ўрнини мустаҳкамлаб ва кенгайтириб бораётган интернет тизимига берилган хилма-хил баҳоларда, хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, бу тизимдан воз кечиш имконсиз эканлиги қайд этиб ўтилади. Салбий баҳо берувчилар, албатта, ушбу тизимни тартибга солиш, ундаги мулоқотнинг самарали ва хавфсиз бўлишини таъкидлашлари аниқ, ижобий баҳо берувчилар ҳам бу тизим ислоҳга муҳтож эканлигини рад этмайдилар. Интернетдан мулоқот мақсадида фойдаланиш у қадар узоқ тарихга эга эмас. БМТ нинг 18.09.2017 даги маърузасига кўра бугунги кунда дунёда интернет фойдаланувчиларининг сони 3,580 миллиарддир [6]. Бундан 10 йил муқаддам тадқиқотчилар учинчи миллиард интернет фойдаланувчиси 2040 йилга келиб пайдо бўлади, деб ҳисоблардилар [4]. Айрим манбалар эса 5 миллиард деган натижани ҳам кўрсатадилар [9].

Бу қадар катта қамров касб этган мулоқот муҳитини тартибга солиш масаласи долзарб ва мураккабдир. Интернет мулоқотнинг ижобий томонлари анчагина. Хусусан, қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Маконда чегараланмаганлик: интернет орқали ер шарининг хоҳлаган нуқтаси билан боғланиш имкони бор. Ёнингиздаги суҳбатдошингиз ва сиздан бир неча минг километр наридаги ҳамсуҳбатингиз билан боғланиш имкони бир хил.

2. Замонда чегараланмаганлик: бу жиҳатнинг бир неча хусусиятларини қайд этиш мумкин. Масалан, ким биландир алоқага киришиш учун алоҳида вақт ажратиш шарт эмас: сиз бўш пайтингизда савол юборсангиз, у бўш пайтида жавоб йўллайди. Мулоқотга чиқиш учун унинг онлайн фурсатини кутиш шарт эмас. «Отилган ўқ» деб ҳисобланувчи айтилган сўзни қайтариб олиш ва қайта ишлаш имкони ҳам борки, бу интернет мулоқотнинг инсоният шу пайтгача фойдаланиб келган бошқа мулоқот усулларидан тубдан фарқ қилишини кўрсатади. Мулоқотнинг хоҳлаган вақт кесимидаги қисмига қайтиш имкони ҳам виртуал мулоқотларда анча осон кечади.

3. Анонимлик. Мулоқотда чегараланишга сабаб бўлувчи руҳий (тортинчоқлик, қўрқоқлик...), шахсий (ташқи кўринишдаги, нутқий фаолиятдаги дудуқлик, тили чучуклик каби нуқсонлар), ижтимоий (ижтимоий табақаланишга оид, жинсий ва бошқа чегаралар) омилларни четлаб ўтиш имконини бериши билан ҳам интернет мулоқот бошқа мулоқот усулларидан устунлик қилади.

4. Ихтиёрийлик. Мулоқотга киришиш бир томоннинг ихтиёрига кўра бошланиши ва тугалланиши мумкинлиги ҳам алоҳида ютуқ сифатида қаралади. Мулоқотни бошлаш учун репликаларни йўллаш кифоя. Нариги тараф уни, албатта, кўради (атайин воз кечмаса) ва жавоб йўллаш-йўлламаслик ихтиёри унда қолади.

5. Глобаллик. Мулоқотнинг одатдаги усулларида бўлган миллий, жинсий, табақавий чегараланишлар виртуал мулоқотда деярли мавжуд эмас. Тилга оид чегараланишлар ҳам олиб ташланган деса бўлади. Хоҳлаган тилда йўлланган хабар автоматик тарзда қабул қилувчи талабига кўра таржима қилиниши мумкин.

6. Хавфсизлик. Юзма-юз мулоқотда, ҳатто мактуб орқали ва телефонда қилинувчи мулоқотларда юзага келиши мумкин бўлган тазйиқ ва куч ишлатишлардан ҳимояланиш бу мулоқот усулида анча самаралидир. Мулоқот хавфли тус ола бошласа, дарҳол уни тўхтатиш ва анонимлик омилидан фойдаланиб қайта мулоқотга киришмаслик имкони кенг.

7. Қулайлик. Мулоқотга киришиш учун суҳбатдошлар ўзига қулай бўлган жой ва ҳолатни танлаш имконига эга.

Шу билан бирга интернет мулоқот бир қатор камчиликларга ҳам эга. Шуниси қизиққи, камчиликлар сираси ҳам ютуқлар сирасидан деярли фарқланмайди:

1. Маконда чегараланмаганлик: интернет орқали ер шарининг хоҳлаган нуқтасидаги инсон мулоқотга киришиб мулоқот оқимини сизга мақбул бўлмаган ўзанга буриши мумкин ва у ўзининг жазосиз қолишини билгани учун унда чегарадан чиқиб кетиш ҳолатлари бўлиши ҳам кузатилади.

2. Замонда чегараланмаганлик: интернетга қарамликка олиб келувчи энг асосий омиллардан бири. Исталган пайтда мулоқотга киришиш инсониятнинг кўп мингйиллик мулоқот тажрибасига йирик ўзгаришлар киритди. Ҳамсуҳбатнинг вақтини ҳисобга олиш шарт эмаслиги, бир пайтнинг ўзида бир неча йўналишга боғланиш имкони мулоқотнинг деярли узлуксиз давом этишига йўл қўяди. Бу эса интернет фойдаланувчиларнинг ижтимоий-маиший хусусиятлари, соғлиғи ва руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

3. Анонимлик. Ўз шахсиятини яшириш ва исталгандек тавсифлаш виртуал мулоқотни актуал мулоқотга нисбатан кутилмаган ҳамда ҳимояланмаган қилиб қўяди. Суҳбатдошнинг аслида ким эканлигини билмай туриб мулоқотга киришиш актуал мулоқот чоғида қўлга киритган усулларни деярли самарасиз қилиб қўяди.

4. Ихтиёрийлик. Мулоқотга киришиш бир томоннинг ихтиёрига кўра бошланиши ва тугалланиши мумкинлиги ҳам алоҳида ютуқ сифатида қаралади. Мулоқотни ихтиёрий бошлаш учун реп-

ликаларни йўллаш кифоя. Нариги тараф учун ҳам уни кўриш-кўрмаслик ва жавоб йўллаш-йўлламаслик ихтиёрийдир.

5. Глобаллик. Актуал мулоқотда одатий бўлган миллий, жинсий, табақавий чегараланишлар виртуал мулоқотда деярли мавжуд эмаслиги миллий-менталитал хусусиятларга берилган зарбадир. Миллий ўзига хосликнинг таркибий қисми бўлган мулоқот одати ва одоби аста-секин ўз ўрнини оммавий маданият элементларига бўшатиб бераётгани сир эмас.

6. Хавфсизликка таҳдид ҳам виртуал мулоқот усулларида янгича шакллар касб этиб бормоқда. Юқорида таъкидланганидек, анонимлик мулоқотни кутилмаган ҳамда ҳимояланмаган қилиб қўяди. Юзма-юз мулоқотда мавжуд бўлган суҳбатдошни баҳолашда қўл келувчи паралингвистик воситалар (овоз тембри, кўз қараши, тери ранги, қўл ҳаракатлари)нинг чекланганлиги одатдаги мулоқот шаклларида самарали бўлган суҳбат жараёнини ташхислаш ва ҳимояланиш механизмини деярли фойдасиз қилиб қўяди.

7. Мулоқот учун қулай конституацияни танлаш имкони суҳбат жараёнига бефарқ қараш, зарурий моментларни назардан қочириш кабилар натижасида суҳбат самарадорлигини пасайтириши мумкин.

Интернет мулоқот, кўриниб турибдики, деярли симметрик бўлган қутбий баҳоланишларга эга. Ушбу баҳолашларда ижобий томонлар ҳиссасини ҳамда мулоқотнинг ушбу тури самарадорлигини ошириш бир неча фанлар кесишмасида турган интернет лингвистикаси фанининг асосий объектидир. Интернет лингвистикасининг олдида турган қуйидаги вазифаларни кўрсатиш мумкин:

1. Матнларнинг жуда катта кўлами билан ишлаш усулларини ишлаб чиқиш. Интернетдаги матнлар жуда кўп бўлишидан ташқари, ўзининг ўзгарувчанлиги билан ҳам характерланади. Шунингдек, гиперҳаволалар матнларнинг бугунгача кўрилмаган шакли – кўп қатламли матнларни юзага келтирадики, уларнинг таҳлили ҳам одатдаги матнлар таҳлилидан фарқ қилиши аниқ.

2. Матн яратувчининг социологик, антропологик ва гендер хусусиятлари номаълум бўлган ҳолда матннинг мазмуний характеристикаси ва таъсир самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш. Юқорида таъкидланганидек, интернет мулоқоти аноним қолишнинг фавқулодда имкониятларига эга. Интернетда мулоқотга киришилар экан, мулоқотчилар ўз шахсларини хоҳлаган даражада сир тутишлари ёки умуман ҳақиқатдан йироқ қиёфада намоён бўлишлари мумкин: аёллар ўзларини эркак сифатида, аксинча, эркаклар аёл сифатида танитишлари мумкин. Худди шундай манипуляциялар ёш, ижтимоий даража, антропологик кўрсаткичларга нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин ва бу ҳолат, табиийки, матн таҳлилини қийинлаштиради.

3. Интернет мулоқотнинг ўзига хос жиҳатлари – узлуксизлиги, оммавийлиги ва тезкорлиги – тил бирликлари қўлланилиш ва мазмун хусусиятларига қай даражада таъсир кўрсатиши ўрганилиши лозим.

4. Интернет мулоқотига доир бўлган неологизмларнинг вужудга келиши ва қўлланилишидаги услубий хусусиятлар ҳам алоҳида ўрганиш объекти бўлиши лозим.

5. Интернет матнларининг ўзига хос бўлган жанрларини аниқлаш ва уларни тавсифлаш ҳам ушбу фан олдида турган вазифалардир.

Санаб ўтилганлар интернет лингвистикаси фанининг олдида турган вазифаларнинг асло тўлиқ рўйхати эмас. Лекин шуларнинг ўзи ҳам бу фан ҳажми ва келгуси тараққиёти нақадар улкан бўлиши мумкинлигини кўрсатиб турибди. Ўзбекистонда интернет лингвистикасининг монографик пландаги тадқиқига бағишланган ишлар йўқ деса бўлади. Интернет мулоқот деярли анъанавий тарзда салбий баҳоланиб келаётган бўлса-да, бу қарашларни ҳам, унга альтернатив бўлганларини ҳам илмий асослаб берувчи махсус тадқиқотлар олиб борилмаяпти. Бундай тадқиқотлар олиб бориш замонавий тилшунослик олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Адабиётлар:

1. Белинская Е.П. Интернет и идентификационные структуры личности. – 2001. – Интернет-публикация: http://psynet.carfax.ru/texts/bel4.htm.

2. Бергельсон М.Б. Языковые аспекты виртуальной коммуникации. – 1999. – Интернет-публикация: http://www.rik.ru/vculture/seminar/index.html.

3. Войскунский А.Е. Развитие речевого общения как результат применения Интернета. – 2001. – Интернет-публикация: http://www.psynet.by.ru/index.html.

4. Горошко Е.И.Лингвистика Интернета: формирование дисциплинарной парадигмы // www.Texstology.ru

5. Денисов К. Умераед зайчег мой. Русский интернет прощается с русским языком. - 2006. - Интернет-публикация: http://www.pravda.com.ua/news/2006/10/4/48489.htm.

6. www.mizhit.ru

7. Нильсен Я. Один миллиард пользователей Интернета // Webmascon. – 2–5. – Интернет- http://go.mail.ru/redir?via_page=1&type=sr&redir=eJz

8. Simpson, J. Meaning-making online: Discourse and CMC in a Language-learning community // Recent Research Developments in Learning Technologies. – 2005. - Available on: http://www.formatex.org/micte2005.

9. futerenow.ru

Андижон давлат университети,
2018 йил 2 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)